

## ДИНИЙ ИЛМИЙ АСАРЛАРДА ДУОЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хасанова Фотима Мамановна

ЎзДЖТУ докторанти

Дуо нуткий жанрининг лингвистик хусусиятларини ўрганиш унинг шаклий ва мазмуний структура яхлитлигини аниқлашда муҳимдир. Дуо нуткий жанри бевосита диний нуткий жанрлар таркибида намоён бўлганлиги сабабли ушбу нуткий жанрда диний фалсафий мазмунларнинг кетма-кетлиги кузатилади. Дуонинг мазмунида бевосита Оллоҳ билан мулоқот назарда тутилганлиги боис Оллоҳ билан сўзлашиш мазмунан ибодатни англатади. Шу сабабли ҳам дуо қилиш ибодат ва солиҳ амалдир<sup>3</sup>, дейилади диний илмий асарларда. Диний услубга хосланган дин уламолари нутқларида энг оммалашган дуо шакллари дуо (ҳамду сано айтиш, мактов)+диний суҳбат), тиловат+дуо (бағишлаш), дуо + ният модули (оғиз ёпиш дуоси), дуо-ибодат кабилардир. Диний уламолар нутқидаги дуоларнинг ўзига хослиги шундаки, дуоларда Худо ва унинг муқаддас кишиларига ҳамд айтишнинг ўзининг тартиби, яъни ҳамдларни йўналтириш кетма-кетлиги хронологияси бор ва бунда, аввало, Оллоҳга ва пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)га ҳамд айтиш орқали суҳбат мавзусини бошлаш анъанаси мавжуд. Айниқса, ҳар қандай диний суҳбат мавзусининг бошланишида кичик ва катта хажмдаги куръон оятларини айтиш, Худонинг сифатларини эслаш каби қисмлар дин кишиларининг диний ахлоқ-одобларининг юксак даражасини кўрсатувчи белгилардир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, диний суҳбатнинг кириш ва якуний қисмида турли дуо шаклларида бирининг айтилиши бевосита сўзловчининг диний илм вакили эканлигини тасдиқлайди.

Бошқа илмий асарлардан фарқли ўлароқ, диний илмий асарларнинг муқаддимаси, кириш қисмларида аввало, Аллоҳни улуғлаш, Аллоҳга ҳамду сано айтиш анъанаси ҳам мавжуд. Масалан, “Саодатга элтувчи илм” китоби муқаддимасидан:

*Кириш. Сўнгсиз ҳамду санолар, саноқсиз шукрлар У, коинотнинг Яратувчисига ва бутун жонлиларнинг ризқ берувчисига бўлсинки, яратилганларнинг вужуди унинг карам ва эҳсон денгизидан бир томчи, нурли жамолидан бир ёғдудир. Коинотнинг бу кўз қамаштирувчи санъат*

<sup>3</sup> Усмонхон Алимов. Суннат ва Ҳадис. Т., Моварауннаҳр ,2019, 14-бет.



асарларида, давом этаётган барча ишларда ва ҳар нарсада кўришиб турган ушбу низом ва оҳанг Унинг борлигига, қудрати ва бирлигига аниқ бир далил, очиқ бир исботдир.

Сўнгра сўнгсиз ҳурмат, саноқсиз салот ва салом ул, умматининг етакчиси ва инсониятнинг йўл кўрсатувчиси, шариат тахтининг подшоҳи, тариқат ва ҳақиқатнинг порлоқ қуёши, илоҳий сифатларнинг кўзгуси Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломга бўлсинки, у пайғамбарнинг энг афзали, охиргиси ва юксак ахлоқнинг намунаси ва тамойилидир. Сўнгра яқинлик буржларининг ёғдулари ҳидоятга эришганларнинг энг порлоқ юлдузлари бўлган Пайғамбар хожамизнинг юксак оила аъзолари ила улуғ саҳобаларга бўлсинки, улар ислом дунёсининг буюклари, саодат тўла ҳақ йўлнинг сардорларидир.

Инсонлар ила иблислар бор бўлишларининг сабаби ва ҳикмати, инсонларнинг идрок ва ақл кучи билан нақшланишларининг юксак мақсади

Ҳақ таолога холис ва пок қалб билан ибодат этишдир. Токи кўнгиллари жилоланиб, теваракка ибрат кўзи билан қарайдиган бўлсинлар. ...Хуллас, бу китоб Ҳақ йўл фидойилари – обидлар йўлининг етти турдаги кечиклари ҳақида баҳс юритади.

Кўринадики, ушбу жумлаларда, яъни Сўнгсиз ҳамду санолар, саноқсиз шукрлар У, коинотнинг Яратувчисига ва бутун жонлиларнинг ризқ берувчисига, Сўнгра сўнгсиз ҳурмат, саноқсиз салот ва салом ул, умматининг етакчиси ва инсониятнинг йўл кўрсатувчиси, шариат тахтининг подшоҳи, тариқат ва ҳақиқатнинг порлоқ қуёши, илоҳий сифатларнинг кўзгуси Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломга, Сўнгра яқинлик буржларининг ёғдулари ҳидоятга эришганларнинг энг порлоқ юлдузлари бўлган Пайғамбар хожамизнинг юксак оила аъзолари ила улуғ саҳобаларга жумлаларида дуонинг бир кўриниши бўлган ҳамду сано, аввало, Оллоҳга, сўнгра унинг пайғамбарига, сўнгра унинг оила аъзоларига ҳамда саҳобаларга йўналтирилган.

“Ҳадиси шарифнинг ўрни” китоби муқаддимаси:

Аллоҳ Таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Аллоҳнинг набийси Муҳаммад мустафога саловот ва саломлар бўлсин!

Бу китобнинг ёзилишига сабаб бўлган турли омиллар бўлганидек, унинг таржима қилинишига ҳам китоб ва унинг муаллифи билан боғлиқ



*бирор ҳодиса туртки бўлади. Сиз муҳтарам ўқувчиларимизга тақдим қилинаётган ушбу тардиманинг ҳам ўзига хос тарихи бор<sup>4</sup>.*

Ушбу диний асарда йўналтирилганлик, аввало, Оллоҳга, сўнгра пайғамбар Муҳаммад (сав)га мансуб. Демак, диний асарлар кириш қисми мазмунида ҳамду санонинг йўналтирилганлик хусусияти мавжуд бўлади.

“Саодатга элтувчи илм” китоби муқаддиманинг якуний қисми:

Раҳмат ҳазинаси беҳисоб бўлган Ҳақ таолога ниёз қиламизки, бизни тўғри йўл неъматидан бенасиб этмасин. Ниятларимизни қабул айласин. Бу соҳада тилимиз ва қаламимизни ўткир қилсин. Биздан ризосини, марҳамати ва карамини аямасин! Омин<sup>5</sup>.

Ушбу диний асарнинг якуний қисмида эса Худога мурожаат қилиш, сўраш, ният қилиш ва дуонинг яқунлаш сўзи иштироки ўзига хос мазмунга эга.

Диний асарларнинг тугатилишида дуолар мазмуни ҳам ўзига хосдир. Масалан, “Ҳадиси шарифнинг ўрни” китоби муқаддиманинг тугатилиши:

Роббимиз бу асарни устозимиз учун садакаи жория ҳамда манфаати илм ўларок хусни қабул қилиб, у зотни раҳмату мағфиратига буркасин, охиратларини обод айласин!<sup>6</sup>

Аллоҳим, бизни, ота-онамизни, устозларимизни, аҳлимиз ва фаразанду зурриётларимизни ҳамда барча мусулмонларни мағфират қил. Саййидимиз ва мавломиз Муҳаммадга, у кишининг аҳли байтларига, саҳобаларига ва уларга яхшилик ила эргашганларга қиёмат кунига қадар салоту саломлар бўлсин!<sup>7</sup>.

Ушбу диний асар якунида аввало, устозига бағишлов нутқий акти кузатилади. Бунда устозга Худодан мағфират тилаш, сўраш, шу билан бирга, ота-онаси, бошқа устозлари, оиласи (аҳли ва фаразанду зурриётлари) ҳамда барча мусулмонлар мағфирати сўралиб, Муҳаммад (сав)ва унинг издошлари (аҳли байтларига, саҳобаларига ва уларга яхшилик ила эргашганлар)га Худонинг саломлари ёғилишини тилаш актлари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, диний илмий асарларда дуоларнинг функционал хусусиятлари шунда кўринадики, кириш қисмда иштирок этувчи дуолар ҳамду сано мазмунида, якуний қисмда иштирок этувчи дуолар эса мағфират тилаш, сўраш, илтижо қилиш мазмунида

<sup>4</sup> Шайх Муҳаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., хилол, 2018, 3-бет.

<sup>5</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018, 17-бет.

<sup>6</sup> Шайх Муҳаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., хилол, 2018, 5-бет.

<sup>7</sup> Шайх Муҳаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., хилол, 2018, 13-бет.



ифодаланади. Дуоларда йўналтирилганлик асосий идентификацион кўрсаткичдир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018, 17-бет.
2. Усмонхон Алимов. Суннат ва Ҳадис. Т., Моварауннахр ,2019, 14-бет.
3. Шайх Муҳаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., хилол, 2018, 3-бет.

